

Киши дўстининг динида бўлади | Сийрат дарслари (360-дарс)



19:00 / 02 январь 511

826. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Киши дўстининг динида бўлади. Демак, ҳар бирингиз кимни дўст тутишига назар солсин»,** дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

827. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Одамлар орасини бузишдан сақланинг, чунки бу (динни) қирувчидир»,** дедилар».

Термизий ривоят қилган.

828. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Умар Жобияда бизга хутба қилди: **«Эй одамлар! Мен сизларнинг орангизда худди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг орамизда турган мақомларида турибман. У зот шундай деганлар: «Сизларга саҳобаларимни тавсия қиламан. Сўнгра улардан кейин келадиганларни. Сўнгра улардан кейин келадиганларни. Сўнгра ёлғон тарқалади. Ҳатто кишидан қасам ичиш сўралмаса ҳам, қасам ичаверади. Гувоҳлик сўралмаса ҳам, гувоҳлик беради. Огоҳ бўлинглар! Бир эркак зинҳор бир аёл билан холи қолмасин! Агар шундай бўлса, учинчилари шайтон бўлади. Жамоатни лозим тутинглар, тафриқадан (бўлинишдан) эҳтиёт бўлинглар. Чунки шайтон битта биландир, иккитадан узоқроқ бўлади. Ким жаннатнинг ўртасини ирода қилса, жамоатни лозим тутсин. Кимни яхшилиги хурсанд қилиб, ёмонлиги маҳзун қилса, ана ўша мўминдир».**

Термизий, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

829. Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жидду жаҳд қилувчиларнинг аёлларининг ҳурмати (уйда) ўтириб қолганлар учун худди ўз оналарининг ҳурмати кабидир. Ўтириб қолганлардан бир киши жидду жаҳд қилувчиларнинг аҳлига қараб турадиган бўлатуриб, унга улар борасида хиёнат қилса, Қиёмат куни туриб унинг амалидан истаганича олади. Бунга нима дейсиз?»** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

830. Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, баъзи шеърда ҳикмат бор»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.

